



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 14-sentabr • №37 (4176)

КАТТА АДАБИЁТ ОСТОНАСИДА

Ёхуд ёш шоирлар ижоди ҳақида айрим мулоҳазалар

Ижодкорлар орасида ўттиз ёшгача шоир бўлсанг бўлдинг, бўлмаса — кеч, қабилидаги гап юради. Бу гап нисбий бўлгани билан ҳақиқатдан озикланади. Негаки, шеър — ёшлик, навқиронликнинг ўзгинасидир.

таъкидланганидек: «Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш» ҳаётда ўз амалий ифодасини топмоқда. Кейинги йиллари Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлими анча фаоллашгани сезилди. «Дўрмон» ижод уюмида мунтазам ўтказиб келинаётган ёш ижодкорлар семинар-кенгашлари самарасини кўриб, кузатиб турибмиз. Талантли ёшларнинг илк китоблари уюшма қошидаги «Ижод» жамоат фонди томонидан бепул чоп этилмоқда ва тарқатилмоқда. Шунингдек, «ЎзАС»даги «Навқирон авлод сўзи» рухни ижодкор ёшларнинг дил сўзлари, орзу-интилишлари изхори учун минбар бўлди. Албатта, имкониятлардан тўғри фойдаланиш ижодкор ёшлар зиммасидаги улкан масъулиятдир.



Қўлига оналар — миллат тимсоли. Абдугани ЖУМА олган сурат.

Бугун шеърятимизга гуриллаб кириб келётган умидли ёш шоирлар кўп. Лекин ким қандай ижод қилапти, ёшларнинг савияси қай даражада? «Ёш шоир» деганда кимларни назарда тутаямиз: ҳаваскор қаламкашдан тортиб ёши қирқ, ҳатто элликни қоралаб қолган катта ёшдаги ижодкорлар ҳам «ёшлар рўйхати»дан тушмай келаятгани ажабланарли эмасми?

Давоми учинчи саҳифада.

Адабиётимизнинг яқин тарихига назар ташласак, назм доимо наср ва бошқа турдаги асарлардан олдинда юрганини кўраемиз. Сабаби аён: лирика — ҳозиржавоб, насрнинг одими эса вазминроқ. Бу гап ҳозирги адабий жараёнга ҳам тааллуқли. Ҳа, қисқа фурсат ичида фақатгина ёшларнинг қанча шеърый тўплами чоп этилди. Ана сизга ҳозиржавоблик! Мен атайин «китоб» демаялман. Негагини яхши тушунасиз. Савияси, ютуқ-камчилигидан қатъи назар, уларнинг китоблари чоп этилаётгани — факт. Мухими, ёшлар ёзаяпти, ижод қилишга интиляпти.

Яқин 5-6 йил ичида кўпга тенгдошларим — ёш ижодкорларнинг тўпламларини ўқидим. Баёзлар, матбуотдаги туркум шеърлари билан танишдим. Аввало, уларнинг ўзига ишончи мени қувонтирди. Ёш ижодкор учун муҳими ўз истеъдодига ўзи ишонч ҳосил қила олиши, деб ўйлайман.

Этибор инсонга ишонч, қанот беради. Бугун ёш ижодкорларга давлат миқёсида қаратилаётган этибор, албатта, уларнинг бадиий изланишларига катта таъсир ўтказаяпти. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Адабиётга этибор — маънавиятга, келажакка этибор» рисоласида алоҳида

Ёшлар ёшлар ҳақида

Илза СИРТАУТАС: ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВАМАН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида америкалик турколог олим, Вашингтон университети профессори, Тошкент — Святла биродарлашган шаҳарлар ассоциацияси вице-президенти Илза Сиртаутас билан учрашув бўлди.

ҳақида сўзлаб берди. — Бу Ўзбекистонга биринчи ташрифим эмас, — деди Илза хоним Тошкент ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан. — Ўзбек тилини яхши билган-лигим зиёлилар билан дилдан суҳбатлашимга имкон беради. Ўзбекис-



тонда ижод аҳлига яратилаётган шарт-шароитлар, давлат томонидан берилаётган этибор мени беҳад

қувонтирди. Илк бор Тошкентга келганимда ям-яшил дарахлар, кўм-кўк боғлар диққатимни ўзига тортган. Ўшанда Америкага бу ердан ниҳоллар олиб кетгандик.

Ҳозир ўша ниҳоллар катта дарахларга айланган. Таъбир жоиз бўлса, мен хоржиликларнинг юракларига эккан ўзбек тилига меҳр ниҳоллари ҳам аста-секин улғаймоқда.

Тошкентдаги боғлар, сўлим хиёбонларни яхши кўраман. Мушаккиллик шарофати билан юртингизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Миллий меъморий аъёналарга мослаб қурилган иншоотлар, боғ ва хиёбонлар шаҳарсозлик санъатининг Тошкент услубини намойён этади. Фарб мамлакатларида ҳозир адабиётга, маданиятга қизиқиш кам. Юксак маънавият фақат сизлардагина сақланиб қолган. Дунёдаги бошқа миллатларга ўхшамаган маънавий бойликлар кўз қорачиғидек эҳтиёт қилинаётганидан мамнунман. Сизларда меҳр-оқибат, юксак инсоний фазилатлар бисёр. Шунинг учун мен Ўзбекистонни, ўзбек халқини яхши кўраман.

Давоми иккинчи саҳифада.

БЕДОР ТУЙҒУЛАР ТАРАННУМИ

Шоир қалбида доимо турфа туйғулар жўш уради. Булоқдай қайнаб чиқаётган туйғулар ўзга қалбларга кўчиб, уларни ҳам бедорликка, ўйлашга, фикрлашга бошлайди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг яқинда нашрдан чиққан янги китоби «Бедорларга беринг дунёни» Мазкур китобдан шоирнинг мушаккиллик йилларида ёзган ота юрт, муқаддас туپроқ, она ва муҳаббат каби турли мавзулардаги шеърлари ўрин олган. Шунингдек, шоирнинг ушбу китобга ҳамоҳанг тарзда — «Янги Тошкентнома» дoston-фаҳрияси, «Шеърый ҳикматлар» китоби ҳам «Ўқитувчи» нашриёти томонидан китоб-

аввало ватанга бахшида этади. Ўз ватанининг ютуқларидан шодланади, кайғусига елкадош бўлади. Мудом бедорликда она юртга хизмат қилиш иштиёқи билан яшайди. «Бедорларга беринг дунёни» китобини кўлга оларкансиз, ундаги шеърлар ана шундай нафис ҳислар билан йўғрилганига амин бўласиз.

«Янги Тошкентнома» дoston-фаҳрияси ҳам шоирнинг ватанга меҳр-муҳаббатини, самимий кўнгил изхорини ифода этади. Она Ватанимизнинг бош кенти бўлган бу кўҳна шаҳарнинг ўтмишию



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Шухрат Ризаев, Хамидулла Болтабоев, Адхамбек Алимбеков ва бошқа ижодкорлар ўзбек адабларининг асарларини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилишга қўшаётган ҳиссаси учун меҳмонга миннатдорлик билдириб, бугунги кунда мамлакатимизда адабиёт ривожига қаратилаётган муносиб этибор, яратилаётган имкониятлар ҳақида сўзладилар.

Илза хоним ўзбек адабиётини кўп йиллардан бери кузатиб келаятгани, бу жараёнда кўпга адабий ютуқларга гувоҳ бўлганлиги, шунингдек, ўзбек

адибларининг сара ҳикояларини инглиз тилига таржима қилиш борасида изланишлар олиб бораётганини таъкидлаб, Ёзувчилар уюшмаси муассислигида чоп этилаётган адабий нашрлар фаолияти ўзида катта қизиқиш уйғотганлигини билдирди.

Илза Сиртаутас хоним билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририятида бўлиб ўтган учрашувда газета бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким «ЎзАС»нинг мазмун-мундарижаси, йиллар давомида шаклланган аъёна ва услублар, ижодкорларнинг адабий ва ижтимоий жараёнлардаги иштироки ва ўрни

Вьетнам куй-қўшиқлари

Ўзбекистон давлат консерваториясида Вьетнам миллий куй-қўшиқлари ва музика театрининг энг яхши артистлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Концертда қадимий «дан-бау» чолғусида, бамбукдан ишланган найда ва фақат вьетнамликларга хос барабан, «тринг», «ларанинг» каби чолғуларидан халқ кўшиқ ва куйлари янгради. Томошабилар «Чам» халқ рақсини, «Мудраётган ўрмон оқшони» композициясини (Вьетнамда хизмат кўрсатган артист Куанг Винь мусикаси, Тхань Нам постановкаси) қизиқиш билан томоша қилдилар.

Х.АБДУРАҲМОНОВА



Нукусда Ўзбекистон Бадиий академиясининг дорақалпоғ бўлими марказий заводи танидан ёзувчи Нодир Норматов ва фоторассомлар Султонбой Дехдонов, Навира Боймуродованинг «Муштажам онла йил»га бағишланган туркум кўргазмалари бўлиб ўтди.

Н.Норматовнинг «Ватан сенсан, Ватан мен» деб ном олган кўргазмасида эллиқдан ортиқ асарлар тақдим этилган бўлиб, унда муаллифнинг сўнгги йиллардаги энг сара ижод намуналари намойиш этилмоқда. Ушбу асарлар импрессионизм оқимида ҳамоҳанг бўлиб, бу йўналиш аъёналари, айниқса, «Пошхурд чинори», «Кўхитанг отлари», «Хомконлик момолар» каби композицияларда

СУРАТДАГИ ОРЗУЛАР

етақчилик қилади. Фотоасарларда илгари сурилган гоа замирида инсонни ёруғликка чорловчи лавҳалар, орзу ва армонлар инъикоси ўзига хос шаклда акс этган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Н.Норматовнинг мазкур кўргазмаси 2010 йилда Тошкент фото уюмида намойиш этилган «Қишлоқ томон йўл» номли асарлар намойишининг мантикий давоми бўлди.

С.Дехдоновнинг «Меҳр қолур...» деб номланган рангбаранг фото асарлари мамлакатимиз бўйлаб уюштирилган ижодий сафарлар маҳсулидир. Унда озод юртимизни мадҳ этувчи тарихий обидалар, шунингдек, жамиятимиз асоси бўлган фаровон оилалар тимсоли гузал манзараларда ифода этилган. Ижодкорнинг жанрли фото асарлари, жумладан, «Бобо ва набира», «Бой-сун баҳори», «Шукроналик», «Оила қувончи» каби тасвирлари самимийлиги, лирик кайфиятга бой экани билан ажралиб туради.



Хусайнбек НОДИР

НАЙРАНГБОЗ УЛОҚЧА

Мамлакатимизда янги театр мавсуми бошланди. Албатта, ҳар бир ижодий жамоа ўз муҳлисига қизиқарли саҳна асарларини ҳавола этишни истайди. Живзах виллоят кўғирчоқ театри ҳам навбатдаги мавсумга жиддий тайёргалик кўрган. Яқинда театр саҳнасида «Найрангбоз улоқча» спектаклининг тақдими бўлиб ўтди.

И.Донинининг шу номдаги пиесаси асосида саҳналаштирилган асар тарбиявий мавзуда бўлиб, унда Бобо (Ш.Ишонқулов), Улоқча (Р.Болтабоева), Кўзичоқ (Ф.Ҳасанова), Момо (М.Маҳмудова) каби аъёнавий эртақ қаҳрамонлари иштирок этади. Спектаклда дўстлик, ғамхўрлик, ўзаро ҳурмат ғоялари илгари сурилиб, бош қаҳрамон тимсолида ёлғончилик, безорилик каби илатлар танқид қилинади. Комедик руҳда саҳнага олиб чиқилган спектакл турфа характердаги рангбаранг қаҳрамонларга бой. Мисол учун Тузик (Ш.Ишонқулов), Хут-хут (З.Маҳмудова) образлари мисолида дўст бошига иш тушганда ёрдамга ошиқиш, садоқат каби фазилатлар тараннум этилади.

хонларга тақдим этилди. Ушбу китобларни шеърят ихлосмандлари севиб қарши олдилар.

Шоир тугилиб ўсган Паркент туманида мазкур китобларнинг тақдими доирасида ўтказилган ижодий учрашув адабиёт байрамига айланиб кетди. Туман марказидаги «Кўшчинор» истироҳат боғида бўлиб ўтган мазкур тадбирда эл суйган шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар ҳамда шеърят муҳлисари иштирок этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов шоирнинг ижодий фаолияти хусусида гапирар экан, ушбу икки китоб шеърят шайдаларини учун яна бир ўзига хос совға бўлганини таъкидлади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Муҳаммад Али, Сирожиддин Саййид, Саъдулла Ҳаким, Зиёвуддин Мансур каби шоир ва адиблар Маҳмуд Тоир шеърларидаги янграқ оҳанг, туйғулар тугғини, ватанга муҳаббат талқини ва бошқа эътиборли жиҳатлар ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари М. Ражабова, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари С. Абдуллаев, Паркент тумани ҳокими А. Сулаймонов Маҳмуд Тоирнинг самарали ижодий изланишлар билан бир қаторда жамоат ишларидаги фаолиги, ватанга садоқати ва фидойийлиги ҳақида гапирдилар.

Қанча мадҳ этмайин, қарзим чандондир, Қанча шарафламай, у абад шондир. Мен унга хуморман, у менга тумор, У — онам, у — отам — Ўзбекистондир, дейди шоир бир шеърда. Дарҳақиқат, ҳақиқий шоир ўз истеъдодини,

Шукур, борман шу сафда мен ҳам, Хуш ниятда қўлимда қалам. Кўз ўнгимда юз очган Тошкент Ўзга маъво, ўзга бир олам —

дея тўлқинланиб мадҳ этади. Бинобарин, тарихнинг турли-туман баланд-пастликларини кўрган пойтахтимиз мушаккиллик йилларида бемисл кўрку тароватга эга бўлди. Қисқа вақт ичида Тошкент қиёфаси кишини ҳайратга солгулик даражада гўзаллик касб этди. Обод кўчалар, муҳташам бинолар, кўприқлар, кўркам боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Бундай эзгу ишларнинг замирида яхши ният, тинимсиз меҳнат, юртдошларимизнинг ватанга меҳри, ғайрати, келажакка бўлган самимий ишончи муҳасаммадир. Ана шуларни кўрганда шоир қалби ҳаяжонга тўлади, фахрланади, ватанини, шу ватанда яшаётган пок ниятли инсонлар меҳнатини мадҳ этади.

Маҳмуд Тоирнинг кўпга адабий шеърлари кўйга солиниб, юртдошларимиз қалбларига кўшиқ бўлиб сингиб кетган. Тадбирда ана шу дилбар кўшиқлар таниқли хонандалар томонидан ижро этилди.

Мазкур икки китобни шоирнинг қўтуғ ёш оstonасидаги ижодий сарҳисоби дейиш мумкин. Бу сарҳисоб барча шеърят шайдоларини, айниқса, ушбу учрашув иштирокчиларини беҳад мамнун этди.

Ўйғун РЎЗИЕВ

ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВАМАН

Бошланғич биринчи саҳифада.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”нинг ўтган йил 16 сентябр сониде эълон қилинган “Мен учун азиз юрт” сарлавҳали мақолада бу борадаги фикрларим билан ўртоқлашган эдим. Мен «ЎзАС»ни Вашингтон университети кутубханасидан олиб мунтазам ўқиб бораман. Шу боис таҳририят жамоаси билан учрашиб турганимдан бехад хурсандман.

Ўзбекистонда шоир ва ёзувчиларнинг жамиятдаги ўрни жуда юқори. Ўзбек адибларининг асарлари, айниқса, ўзбек ҳикоялари ўзига хос. Муштақилнинг биринчи кунларидаёқ Юртбошининг ёнида ёзувчи-шоирлар бўлган, ҳозир ҳам шундай. Бу юрда қадимда ҳам шундай эди. Элу юртининг тили ва виждони бўлган шоирлар, донишмандлар мамлакат бошқарувида ҳоқонлар-

нинг энг яқин маслаҳатчиси эди. Ватангиз тарихида бунга мисоллар кўп. Мен Гамбург университетиде ўқиганман. Устозим Анна Мари фон Габен 1944 йилда Ўзбек тили бўйича дарслик ёзган. У Фитратнинг “Ҳинд ихтилолчилари” драмасини Берлинда нашр этган эди. Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса — миллат яшар” деган сўзлари бежиз эмас. Президентингизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” деган сўзларида теран мазмун бор.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али Илза хонимнинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб шундай деди:

— Илза хоним хоризжда, хусусан, Америкада Ўзбекистон ҳақида бирор гап айтиладиган бўлса, дарров унга муносабат билдириб, “Ўзбекистонни кўрганмисиз?” дейди. “Йўқ, ин-

тернетда ўқидим” дейишса, “Сиз аввал у ерни бориб кўринг” дейди. Сиртаутас хоним 1967 йилда Индиана университетиде Ўзбек тилини ўрганиш гуруҳини очди. Вашингтон университетиде эса ушбу илмий-амалий иш катта тизимга айланди. Илза хоним “Ҳозирги замон ўзбек тили хрестоматияси” дарслигини тузган. Унда тил ўрганиш учун атоқли ёзувчиларимиз асарларидан парчалар берилган...

— Ўзбек тили жаҳондаги энг бой тиллардан бири бўлгани учун шу тилга ҳам, шу тилда сўзловчи халқингизга ҳам меҳрим бўлақча, — деди Илза хоним хайрлашув олдидан. — Мен ўзбекларни яхши кўраман. Чунки сиз чеҳрангиз очик, самимий одамларсиз. Мен сизларни кўриб куч-қувват оламан, янада яшараман.

Рустам МУСУРМОН ёзиб олди.

Китоб ўқиш учун адабиётшунос ёки ўқитувчи бўлиш шарт эмас. Агар қизиқса, аэксаваторчи ҳам, курувчи ҳам бадиий асар ўқиши мумкин. Спортчиларнинг китоб ўқишини тасаввурга ситдириш қийинроқдир, эҳтимол. Чемпионликни мақсад қилган спортчи асосий вақтининг вақтини сақлаш, имкониятини ошириб боришга қаратиши табиий.

лар ичида энг шарафлиси ҳақиқат учун курашишдир. Ҳўш, инсон бунда нимага, ўзидаги қайси хиллатларга суянади? Умуман, курашнинг асл моҳияти нимада?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Баъзилар куч деса, баъзилар ҳийла дейди. Ота-боболаримиз эса курашнинг моҳиятини илм билан боғлашган. Куч-қувват ҳайвонда ҳам бор. Ҳийла эса ҳеч вақт эзгуликка хизмат қилмаган. Инсонда

ёзади Кошифий, — ўн иккита деб айтгил: биринчидан, устознинг ўзи пок тийнат ва нуқсон-иллатсиз одам бўлсин. Иккинчидан, шогирдларини покликка давъат этсин. Учунчидан, баҳил бўлмасин, шогирдларидан ҳеч нарсани қизғанмасин. Бешинчидан, шогирдлар мол-мулкига таъмағир бўлмасин. Олтинчидан, ҳар бир одамни қобилиятига қараб таълим берсин. Еттинчидан, фариб-найранг, риё билан шугулланмасин. Саккинчидан, ўз шогирдларига ёмонликни раво кўрмасин. Тўққизинчидан, шогирдларидан бирортаси ёмон кураш тушса, жерқиб ташла-масин, балки мулоиймлик билан тушунтирсин. Учинчидан, шогирдига маърақада таълим бермоқчи бўлса, бунга яширин ҳолатда қилсин, токи рақиб ҳабардор бўлмасин. Ҳар биринчидан, дастур бўлади-дан кураш илмининг барча нозикликларини муфассал билиши керак. Ҳар иккинчидан, ҳеч бир маърақада пири ва устозларни, сўнгра билим билан хотирга олишни эсдан чиқармасин.”

Демак, кураш одоби, энг аввало, устоз одоби ва маънавиятидан бошланар экан. Шогирд одобининг асосини ҳам поклик, тўғрилиқ каби фазилатлар ташкил этади.

Кураш одоби ва маъносига оид бундай пурмаъно фикрларни яна кўплаб келтириш мумкин. Фикримча, спортчи фақат ўз соҳасини пухта эгаллаш билан чекланмаслиги, балки унинг асл моҳиятини ўргатувчи, эзгуликка етакловчи ҳикматли сўзларга бой асарларни ҳам мутолаа қилиши, улардаги теран мазмун-моҳиятни ўз руҳига сингдириши лозим.

Шу ўринда бир тақлифни айтмоқчи эдим. Ўсиб келаётган, кураш сирларини энди ўрганишни бошлаган ёш спортчилар учун махсус рисола-лар чоп этиш йўлга қўйилса. Уларда спортчининг маънавий олами-ни бойитадиган фикрлар, ўғитлар ва ҳикматли сўзлар, ҳикоятлар берил-са. Зеро, полвон фақат билағидеги кучи билан эмас, бой маънавияти билан қудратли бўлса, ўз мақсади-га эриша олади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистри

ПОЛВОННИНГ КУЧИ БИЛАГИДАМИ?..

Ҳолбуки, маънавиятли бўлиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш учун фақат тананинг соғломлиги, чиниққанлиги кифоят қилмайди. Маънавият, одоб-ахлоқ, муштақил фикр, ижтимоий ҳаётга теран муносабат, ҳаётий принципга эга бўлиш ҳар бир инсоннинг касбий маҳоратни бойи-тади, гўзаллаштиради. Бунга эришиш учун эса, ота-боболаримиз маънавий меросига кўпроқ мурожаат қилиш керак.

илм, тафаккур бор. Илм билан қўшилган куч энг мукамал куч ва маҳоратдир.

Мутафаккир олим ва адиб Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» («Ўзбекистон миллий энциклопедияси»-нашриёти, 2011) асарини ўқиб, унда спортнинг турли йўналишлари билан шугулланувчилар учун кўпгина керакли маълумотларга гувоҳ бўлдим. Бу асар инсон маънавий олами-ни тарбияловчи бебаҳо дурдонадир. Келинг, шу китобнинг курашчиларга бағишланган қисмига бир назар ташлайлик.



Кураш — ота-боболаримиздан бизга мерос миллий қадриятлардан. Кошифий курашнинг маъноси одам-зод хилқатидан келиб чиқади, деб ҳисоблайди. Чунки одамзод умри давомида ўз ахлоқини ўзгартириб боради, яъни ҳулқ-атворда киши яхшилик томон интилиши керак. На-тижада одамдаги мақбул фазилат-лар ва номақбул ахлоқий сифатлар ўртасида доимий кураш боради. Ҳар бир фазилат ўзига қарши одат, май-ли даф қилишга қаратилган. Мутафаккир курашга таъриф беришда инсондаги ана шу хусусиятни на-зарда тутайди.

Инсон яшаш учун, ҳаётда ўз ўрни-ни топиш учун курашади. Яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўрта-сидаги кураш азалдан бор. Кураш-

Кураш тушиш илми ёки амал-ми, деган саволга жавоб берар экан, Кошифий бобомиз кураш ту-шиш амал билан боғлиқ илмдир, дейди: «Ҳар ким ҳаётда нимани-дир ўрганган, бироқ унга амал қил-маслиги мумкин. Аммо кураш санъатида илмга амал қилмаслик-нинг иложи йўқ. Бас, шундай экан, бунда билим ва амал бир-бири-ни безайди, тўлдирди, бир-бири-га мадад беради».

Ҳақиқатан ҳам, биз баъзи нарсаларни ўрганамиз, ҳатто яқинларимизга ақл ўргатамиз, лекин аксар-ият ҳолларда ўзимиз шуларга амал қилмаймиз. Демак, ҳар бир кураш-чи ўз ҳунарига оид нимаки ўрган-са, уни амалда қўлаши керак. Ни-маларга амал қилишни эса кураш одоби белгила беради: «Агар кура-ш тушувчиларнинг одоби (қоидалар-и) нечта, деб сўрасалар, — деб

МУЛОҲАЗА

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг ўтган йил 16 сентябр сониде эълон қилинган “Мен учун азиз юрт” сарлавҳали мақолада бу борадаги фикрларим билан ўртоқлашган эдим. Мен «ЎзАС»ни Вашингтон университети кутубханасидан олиб мунтазам ўқиб бораман. Шу боис таҳририят жамоаси билан учрашиб турганимдан бехад хурсандман.

Ўзбекистонда шоир ва ёзувчиларнинг жамиятдаги ўрни жуда юқори. Ўзбек адибларининг асарлари, айниқса, ўзбек ҳикоялари ўзига хос. Муштақилнинг биринчи кунларидаёқ Юртбошининг ёнида ёзувчи-шоирлар бўлган, ҳозир ҳам шундай эди. Бу юрда қадимда ҳам шундай эди. Элу юртининг тили ва виждони бўлган шоирлар, донишмандлар мамлакат бошқарувида ҳоқонлар-

Олти ярим яшар ўғлим билан таксида кетаётгандик. Бир пайт у «Дада, қаранг, анови машинага «тахи» деб ёзиб қўйибди», деди. Ҳайдовчи «тахи» эмас, «такси»-ку, деб жавоб берди мендан олдин. «Йўқ, ўғлим тўғри ўқиди. «Тахи» деб ёзилган», дедим.

Бизни қувиб ўтган «Матиз»нинг устида «ТАХИ» деган кўрсаткич белгиси бор эди. Ҳайдовчи билан тортишдик. У «ТАХИ» — такси эканини, бунга ҳамма бир қарашдаёқ билишини таъкидларди. 1-синфда ўқийдиган ўғлим учун эса бу такси эмас, taxi(тахи) эди. Яъни лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида шундай ўқилади. Ҳайдовчининг «Бу ахири инглизча ёзилган», деб куйиб-пишири менни ўйлантириб қўйди. Шундай ҳам дейлик, унда нима

эйтироз билдирсангиз, дарҳол айбни компьютердаги «Microsoft Word»га юклайди ёки бошқа дастурдаги имло, ёзув бизнинг янги алифбо билан мутаносиб эмаслигини таъкидлайди. Бироқ айриши белгиси, яъни тутук белгиси ва o', g' харфларида қўйиладиган «i» белгиси лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида қандай вазифаларни бажариши, қайси ўринларда қўлланилиши «Имло қоидалари»да етарлича баён этилган. Шунга қарамай, ўзбекча матнларни тараётганда, чоп қилаётганда «i» ва «o'»нинг фарқига бормаслик ёхуд беписандлик қилиш ачинарлидир.

Шундай экан, ўзбекча баннерлар, буклетлар, турли матнлар ёзилувчи йирик намоиш лавҳаларини тўғри битиш ва ёш авлод вакилларини чағлитмаслик учун «Microsoft Word»га ҳамда бошқа матн терувчи дастурлар тизими учун лотин алифбосига асосланган ўзбек имло қоидалари киритилса, оммалаштирилса, нур устига нур бўларди. Зеро, имловий хатоларнинг катта-кичиги бўлмайди, арзи-масдек бўлиб туюлган хато ҳам улкан оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Бунга исталганга мисол топишингиз мумкин.

ТАКСИМИ ЁКИ ТАХИ?

1989 йил 21 октябрда қабул қилинган, 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» қонунининг 20-моддасига эътибор беринг: «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржима берилиши мумкин».

Энди такси машиналаридаги ёзув тил ҳақидаги қонунимизнинг ушбу моддаси қоидаларига зид ёки зид эмаслиги ҳақида ўйлаб кўринг. Биринчидан, агар у лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида бўлса, «ТАХИ» эмас, «ТАКСИ» бўлиши керак. Иккинчидан, инглиз тилида берилган бўлса, аввал давлат тилида, яъни ўзбек тилида расмийлаштирилиб, сўнгра бошқа тилда таржамаси берилиши мумкин.

Масалан, Қодир Тўраевнинг «Олам ёғдуси ёхуд қизқарибди» физика» китобида келтирилишича, «Баъзи кишилар хат-хабар, мақола ёзганларида тиниш белгиларига етарлича аҳамият беришмайди, лекин шундай ҳоллар бўладики, мана шу «арзимаган» хато кўнгилсиз оқибатларга сабабчи бўлиши ҳам мумкин.

1962 йилнинг ноябр ойида АҚШ-да электрон ҳисоблаш машинасида тайёрланган программада битта дефис белгиси тушиб қолгани учун Кеннеди бундан Зурхор олдуси томон учирилган космик ракетани осмонда портлатиб юборишга мажбур бўлишган эди. Ракетани куриш учун оз эмас, кўп эмас 18 миллион доллар сарфланган. Бу хатонинг нархи мана шунча»...

Тўғра эътибор — энг эътибор

Ҳаётда рияз этиляпти? Ўзим, масалан, ҳар куни Шота Руставели кўчасидан ўтаман — ишга келиш ва қайтишда. Аник санаб чиқмаганману, лекин ушбу кўчанинг икки ёнидаги биноларга илинган баннер, реклама ва бошқа турли-туман ёзувларнинг тахминан 70-80 фоизи русча, инглизча ва ҳатто бир ошонами, ресторан пештоқида италяндча, яна бирида туркча ёзувлар бор.

«Яхшиям, ўғлим билан бу кўчадан пиёда юрмаганимиз», деб ўйлаб кетаётганимда, автобус Янги Сергели кўчасидаги йўл ўтказгич кўприкка яқинлашди. Шунда ҳар куни эътибор бермаганим кўприк ён томонидаги тошлар билан терилган ёзувга кўзим тушди: O'zbekiston-kelajagi buyuk davlat. Шу ерда ҳам иккита хато... Биринчиси: «O'zbekiston» сўзида o' харфи белгиси нотўғри қўйилган, яъни «i» тутук белгиси ишлатилган. Иккинчиси: тире «—» ўрнига дефис «-» ишлатилган.

Агар шу тобда мутасаддиларга

«Даракчи»дан ташқари деярли барча хусусий газеталар саҳифаларида тире(—)ни ўчратмай-сиз, фақат дефис(-)ни ишлатишяпти...

Хусан КАРВОНЛИ

ҚИШЛОҚ НОМИ НЕГА «ЖАНГАТИ»?

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Хоразм воҳасидаги шаҳар ва қишлоқларнинг тарихий номлари ҳақида сўз юритиш авж олган эди. Бироз, ажабланиш томони шунда эдики, бу каби «тадқиқот» муаллифлари араб алифбосида битилган қўлёзма манбаларни ўқий олиш иқтидорига эга эмас, дала-исботлари фақат (кўпинча ўзлари тўқиган) афсоналардан иборат эди.

Чунончи, 70-йиллари чоп этилган «Хоразм ҳақиқати» газетасининг сонларидан бирида «Қишлоқларимиз номлари» рўқни остида «Ўзбекёп» ва «Жангати» номли иккита мақола берилган бўлиб, уларда мазкур номлардаги қишлоқлар топоними этимологияси ҳақида сўз юритилган. Айтганимиздек, ҳар икки топонимга оид фикрлар ҳеч бир фактга суянилмасдан билдирилган. Айниқса, иккинчи мақолада Ҳазорасп туманида жойлашган Жангати қишлоғи номи тасаввуф номоянаси Занги Ота (вафоти 1258 йил — И.Б.) тўғрисидаги аллақандай афсонага боғланган. Бир ўринда эса, бу ном Қозоғистондаги Алматы шаҳри номига ҳам қўйилган, шунга ўхшаш ҳар хил шаклдаги номлар (ҳатто русча таржималари билан бирга) мисол сифатида келтирилган.

Уша пайтлари бу мақолани ўқиган жангатиликлар менга мазкур мақоладаги фикрлардан кўнгиллари тўлмагани, бу мавзуда мутахассис-шарҳуноснинг изланиш олиб боришни исташларини айтган эдилар. Мана, замонлар ўтиб, «Фирдавс ул-иқбол» асари тадқиқига киришган чоғимда Мунинснинг қисқа бир тарихий маълумоти тўғрисида мазкур саволга жавоб топдим. Мунис Хива хонлигидаги 1811 йил январ воқеалари баёни асосида шундай ёзади: «...Ва мулло Эшимбой-


Ном — номус

ким, тенгизда (Орол денгизи кўзда тутилмоқда — И.Б.) қазоқ подшохи Абдулазизхонга сифорат (элчилик) расми била ирсол қилиниб эрди, андоқким собиқан баён қилкининг ракамзадаси бўлиб эрди, беш кунда тенгиздан чиқиб, Чувбор мавзеида Шерғози султон валади Гойибхоннинг манзилигаким, Абдулазизхон мазбурнинг инисидур, нузул қилди. Ва ённинг рукуб (узангига оёқ қўйиш, яъни отланиш — И.Б.) қилиб, яна беш кунда Оқавирик наҳрининг канорида Абдулазизхоннинг ўрдусига вориқ динди. Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ул наҳр мазкур Сайхуннинг оёқидин айрилган шуаботидиндур. Жонкат қалъаси анинг канорида эрди. Холо ул қалъа хароб бўллуб, буруж ва боруси «устини ости қилдук» масдуқасига содикдур. Ул қалъа сукконидин гуруҳи анбуҳ Хоразмга келиб, Ҳазорасбада бир кант бўллуб ўлтирибтурларким, ул кантини бу жиҳатдин «Жонкат»га мавсум қилибдурлар» (Мунис ва Оғайи. «Фирдавс ул-иқбол», «Янги аср авлоди», 2010, 342 — 343-бетлар).

Демак, Жонкат қалъаси Сирдарёнинг қўйи оқимидаги Оқавирик анҳори қирғоғида жойлашган қадимий маскан бўлиб, афтидан, табиий ҳодиса ва сиёсий воқеалар гирдобиде қолган Жонкат шаҳри аҳолисининг кўпчилиқ қисми «Фирдавс ул-иқбол» ёзилган 1829 йиллардан анча олдин Ҳазораспдаги Мухомон ва Овшар қишлоқларининг шимолӣ қисмидаги оралик-бўш жойга қўчиб келиб, ўзлари ўрнашган қишлоққа мазкур «Жонкат» номи-ни бериш-кан. Ҳозир қадимий «Жонкат» топоними халқ тилида «Жанкати, Жангати» шаклида талаффуз қилинади.

Мамина, Мунис маълумотидан сўнггина бу қишлоқ аҳлининг ўз тарихий ватани ҳақида яхши маълумотга эгаллигини, аммо уни фактик материаллар асосида бошқаларга ҳам етказишни истаганликларини ангаддим.

Исмоил БЕКЖОНОВ, филология фанлари номзоди



Шавкат Раҳмон — XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари-дан бири эди. У ўзининг соҳир сатрлари ва эҳтиросли шеърляти билан инсон қалбига ёруғлик элтади. Ўқувчини ўйлашга, фикр-мушоҳада қилишга ундайди. Чунки унинг ҳар бир сўзи ҳаётга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларни билан тўлиғдир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган тадбир сеvimли шоиримиз Шавкат Раҳмоннинг «Абади-ят оралаб» деб номланган китоби тақдиротига бағишланди. Тадбир-да жамоатчилик вакиллари, шоир-ёзувчилар, шеърини мухлислари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Омон Матжон, Хуршид Даврон, Сирождидин Саййид, Иқбол Мирзо ва бошқа ижод-

“АБАДИЯТ ОРАЛАБ”

корлар ўзларининг Шавкат Раҳмон билан боғлиқ хотиралари, шоирнинг ўзига хос услуби, сермазmun ижоди ҳақида гапиришди.

Тақдирот

Шарқ уйқудан уйғонар гўзал, Кўёш чинқишга ўхшайди бу ҳол. Ҳозирча у ёзги жазирамада, Ҳозирча дунёга боқар у мудроқ. Бузилган дунёнинг бир чеккасида Шарқ гўзал ухлайди, йоғларга ўхшаб — Кўмиб ташласалар ҳамки, барибир, Руҳи ўсаверар, идрокки ўсар. Аммо уйқусидан уйғонар гўзал, Ҳайрат қамраб олар ҳамма нарсани, Шарқ кўёш сингари уйғонган маҳал Дунё сезиб қолар ухлайётганин.

Ана шундай забардаст сатрларни битган шоир бугун орзулари ушалган

Манзура БЕКЧОНОВА, «Туркистон-пресс»

Қуночак газетхонадан мактуб

Бу йил фарзандларимдан бири мактабга, бири коллежга, яна бири лицейга бораёпти. Ҳар қайсига алоҳида форма, тегишли ўқув дарслик-лари, ручка-қалам, дафтар харид қилдим. Шу боисдан, шошиб қол-май, деб ҳаракатни эрта бошладим. Ёз ойларидаёқ бозорга тушиб, дўконга кириб ўғлимга, икки қизим-га кийим-кечакларини тахт қилиб қўйдим.

Шу ўринда айтиш жоизки, умумтаълим мактаблари ва ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, бозорлар ва йирик савдо мажмуаларида анъанавий «Мақтаб бозорлари ва ярмаркалари» ташкил этилиб, уларда белгиланган тартиб-да ўқувчилар учун 27 турдаги ўқув қуроллари, мактаб формалари савдо-да чикарилган қувонарли. Чунки маҳсулотларнинг сифати, нархи, шунингдек, ўқув қуролларидаги сурат ва бошқа воситаларнинг маънавияти-мизга мослиги назоратта олинади.

Лекин «шолӣ курмаксиз бўлмас», деганларидек, аҳолига сидқиқдиддан ёзиб қўйибди. Ўн дона умумий дафтар ва икки дона ручка олиб, сотувчиға пластик картоқкамни бер-дим. Йигирма ёшлар атрофидаги йи-гит қаҳқонлик билан уни терминалга тикди-да, қўлимга чекинни тутқазди. Ҳисобимга кўра, ўнта дафтар етти минг, иккита ручка етти юз, жами етти минг етти юз сўм бўлиши ке-рак, сотувчи эса ўн бир минг олибди.

— Хой, ука янглишмадингизми? — деб сўрадим.

— Йўқ, янглишмадим, — деди у менга кўзларини лўқ қилиб, — пла-стикаға устамаси бор.

— Нега шуни аввалроқ айтмадингиз? — Ҳар бир харидорга алоҳида-алоҳида айтишми керакми? Ўзлари билиши!

«Билишин» эмиш. Ахир, савдо шохобчаларида тўлов нақд пулда ҳам, пластик кар-точкада ҳам бир хил нарҳда амалга ошади и л и ш и н и ҳамма биледи-ку?! Т. Рагин «Устамаси бор», дегани ортиқча.

Унча-мунча бозорда эмас, харидор энг гавжум бўладиган «Чилонзор» буюм бозорига болаларнинг дафтаридан ҳақ олаётган сотувчи билан гап таллашиб ўтиришни ўзим-га эп кўрмадим. Энди айтинг-чи, менга ўхшашлар қанча? Ҳар бири-дан юлб қолаверса...

Назоратчилар, қолаверса бозор мутасаддилари бунга билишмайдими?

Зарифа НИШОНАЛИЕВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Даставвал ушбу саволларга аниқлик киритиб олиш керакка ўхшайди. Назаримизда, ёшлар шеърятини вакиллари учун гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси — нисбатан аввалроқ номи кўрина бошлаган, адабий жамоатчиликка танилиб улгурганлар. Уларнинг айримларини ёш шоир деб аташга ҳам истиқола қилади киши. Иккинчиси — икки-уч тўплами билан энди тилга туша бошлаган умидли ёшлар. Учинчиси — шеърят оламига кейинги йилларда қадам қўяётган қаламкашлар.

Бу уч гуруҳнинг пешқадам вакиллари матбуотдаги чиқишлари, қолаверса, тўпламлари билан назм мухлисларининг кўнглига йўл топиб бормоқда. Айримлари ўз мухлислари — ўқувчиларига эга. Лекин уларнинг ижоди етарли даражада таҳлил этилиб, ютуқ-камчиликлари кўрсатиб берилаяптими? Бу савол ҳамон тасдиқ жавобини кутаётир.

2008 йили чоп этилган «Ёшлар китоби» («Шарқ») мажмуаси, гарчи қатъий тартиб — ижодкорлар ёши ёки асарлари савияси бўйича тузилмагандек кўринса-да, адабиётимизнинг янги авлоди ижоди, изланишлари ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Тўпланда 76 нафар ёш истеъдод эгаларининг (уларнинг ярмидан кўпи назмда қалам тебратётган ёшлар) ижод намуналари саралаб берилган. 2011 йили «Адиб» нашриётида чоп этилган «Кафддаги нол» ёшлар баёни ҳам шеърят, наср ва адабиётшунослик йўналишида ижод қилаётган ёш қаламкашлар изланишлари маҳсулидир. Баёнинг шеърят қисмидаги Баҳодир Баҳром, Жўрабек Жаҳон, Бобур Элмурод, Хуршида Юсуф қизи, Талант Примов каби ёшларнинг ижодий изланишлари ўқувчида яхши таассурот қолдиради.

Мана шундай тўпламлардаги шеърлар, ёш шоирлар ижодининг сара намуналари асосида ёшлар шеърятининг асосий йўналишларини белгилаш, бугунги навқирон поэтик тафаккур ўз ичига нималарни қамраб олаётганига аниқлик киритиш мумкин. Аслида, бу адабиётшунос-тадқиқотчилар учун адабий жараённинг долзарб мавзуларидан. Аmmo негадир ушбу мавзуга бағишланган мақолаларда кўпинча умумий гаплар билан кифояланилади.

Ахир, аксарият ёш шоирлар вазн, қофия, туюқ каби шеър техникаси билан боғлиқ илк сабақларни аллақачон ўтаб бўлишган. Ҳатто улар орасида шеърни бундай «қолип»лардан чиқариш, вазн, қофия қоидаларини «бузиш»га уринаётганлари ҳам бор. Шундай экан, уларга шеър қандай ёзилиши ҳақида ваъз ўқиш эриш туюлса керак. Бундан ташқари, ёшлар шеърятини анча субъективлашган. Бугун уларни ўз қалб олами, руҳиятидаги ўзгаришлар, «ноғуси» дунёсидаги маънисиз маъналар кўпик қизиқтиради. Йўқ, бу уларнинг ташқи олам, ижтимоий муҳитдан узиллиб қолаётганини кўрсатмайди. Аксинча, навқирон авлод вакиллари инсон қалбининг ўзи сирли олам, таъбир жоиз бўлса, етакчи мавзу эканини аллақачон тушуниб етишган. Албатта, айрим ҳолларда ижодкорнинг фақат ўзи билан ўралашиб, ўта субъектив истак-майлар доирасида қолаётгани акс этган шеърлар ҳам ёзилаётир. Шахсий иқдорлардан баланд кўтарила олмаган шоир, шубҳасиз, чинакам ижодий парвозга эриша олмайди, жўн «ёндим-қуйдим»лари билан ўқувчини бездиради. Ваҳоланки, бугун бадииятдан узоқлашмаган ижтимоий-ахлоқий муаммолар акс этган шеърларга эҳтиёж катта. Шу маънода, кузатиб бораётганларга маълумки, бугунги ёшлар ижодиде давр муаммолари, ижтимоий кайфиятнинг бадиий ифодаси ҳали ярқ этиб кўзга ташлангани йўқ.

Ёшлар шеърятини етакчи мавзуларга келганда айтиш жоизки, ватанпарварлик, ишқ-муҳаббат каби тушунчалар уларнинг шеърларида бош гоа, етакчи мавзу сифатида тилга олинаётир. Мавзу-йўналишларига кўра ёшлар шеърятини: севги-муҳаббат, ёшлик мавзусидаги, ота-она, Ватан, эл-юрт мадҳ этилган, табиат лирикаси ва бошқа мавзудаги шеърларга ажратиш мумкин. Бундан кўринадики, мавзу хилма-хиллиги ва кўламига кўра бу шеърят доираси ҳали анча тор.

Бир китобни қўлга олсан-да, унга дахли бор ва аксинча, буткул дахли йўқ гаплар ёдингга тушади. Бу гаплар кўпинча муаллифга тегишли бўлиши, муаллиф ҳаёти, шахсини ёритишга хизмат қилиши мумкин.

Бундан анча йил муқаддам «арман радиоси» деган тушунча бўлар эди. Шўро давридаги айрим ҳолатларни одамлар ушбу радиого боғлаб, латифа тўқийдирди. Уша латифалари жамлаб бир неча китоблар ҳам босилган... Буни айтишимга сабаб, ўтган аср, элгинчи йиллар охири, олтмишинчи йилларда Бухоро вилоят радиосининг шон-шухрати «арман радиоси»дан қолишмасди. Афсуски, бу радиого тегишли қизиқарли гаплар (бу ерда ҳам баъзан латифалар) тўпланмаган, улар ҳақида «ахборот»нинг ўзи бирон жойда учрамайди. Қисқаси, кейинчалик катта ҳажви адиб бўлиб танилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неймат Амин ўшанда вилоят радиосида ишлар, қизиқарли гапларни йиғган ва аксар ўзи ҳам «тўқиб» ташлаган Неймат ака эди. Қатор саргузашт-дедектив асарлар ёзган ижодкорларимиздан Саид Равшан ҳам шу йиллари радиого муҳаррир, ўз ижодини ҳажвий ҳикоялар ёзиш-

дан бошлаган. Лекин ҳажвиёт вилоят радиоси фаолияти учун «ташқи» бир ҳолат эди, албатта. Бу ерда тарозининг иккинчи палласини «босиб» турган жамоа бор эди. Абдурахим Нурмухаммедов, Мухаммаджон Бақоев, Саид Хўжаев, Саид Аҳмедов ва бошқалар шу жамоани ташкил этишганди.

Бухоролик бутун бир авлод — қалам аҳлининг устози, раҳматли Тошўлат Хамид вилоятдаги ёш ижодкорлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб қарар, ҳар қайси ижодкор ўз йўлини топишига бевосита ёрдам кўрсатарди. Таниқли шоир Самандар Воҳид шу даврда тарбия топган, шаклланган ва худди ўша йиллари вилоят радиосидаги даврга келиб қўшилган эди. Неймат Амин, Саид Равшанга шартли равишда қиёслайдиган бўлса, Самандар ўта жиддий, босиқ-мулоҳазали, ўйчан ва бироз маҳзун йигит. У

радиода узоқ йиллар ишлаб, ҳаёт нафасини туйган, доим қадим ва бухоролик аталган Бухоро ва бухороликлар оламини яхши билган истеъдодли, моҳир радиожурналист (кейинроқ тележурналист ҳам) бўлиб танилди. Шунинг баробарида, Самандарни ҳаётида бирон лаҳза шеър ҳаёли тарк этгани йўқ. Самандар Воҳид вилоятда яшаб ижод қилаётган, адабиёт мухлислари орасида обрў-эътибор қозон-

ган шоирлардан биридир. Кўп йиллардан буён шахсан мен ҳам унинг шеърятини мухлисман. Яқинда ижодкор дўстимнинг «Бу боғда баҳра боқийдур» деб номланган янги китобини ўқиб чиқдим. Самандар ҳазрат Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» девонини йиллар давомида мутлола қилиб, ўзи пухта ўрганган эллик газалга, уларнинг ўрнини белгилаган ҳолатда, ошиқона шайдолик билан мухаммас боғлабди. Мухам-

маслаб услуб талабига тўла жавоб бергани, газаллар мазмунини янада очиб бизга етказгани диққатга сазовор. Юртбошимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида: «Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда инсон йўқки, у Навоийни билмасса, Навоийни севмасса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса!» деганлари айни ҳақиқат. Балки шу боисдан, Ҳазрат яшаган даврдан тортиб бу кунгача унинг газалларига ҳеч мулоҳазасиз неча юзлаб мухаммаслар боғланган. Ўзбек адабиётида Навоийга мухаммас боғламаган, бундан ортиқ қилмаган шоир дегарли топиламайди. Бу эса ҳар қандай ижодкорга катта масъулият юқтайди, билими ва одобли иш тўлишга даъват этади. Буюк Навоий ижодининг ўзи — боқий боғ. Шу билан бирга, бу боғдан

тимизга янгилик олиб кириши мумкин бўлган баъзи ёшлар илк қадамларидан кўпчиликка ёқини, аниқроғи, тез машхур бўлишни исташади. Бунинг энг мақбул усули сифатида кўшиқчи-шоирлик йўлини танлашди, ўзларини эстрадага уришди...

«Шеър гўрингга чироқ бўлолмас», деб ёзади пискентлик дил ижодкор Акрам Малик. У гўрга чироқ, иймонга қафолат бўлгулик шеър ёзиш, сўз аталмиш гавҳарни беҳуда сочмаслик керак, дегандек бўлади тенгқурларига. Ақромда шеър орқали бирор фалсафий фикр айтишга мойиллик сезилади. Шунданми, унинг аксарият битиклари «ақлли» шеърлар. Аммо, унутмаслик кераки, бу кўпинча сўз ясаш, шеърни сунъийлаштиришга оқиб келиши мумкин. Шеърятда фақат ақлли бўлишнинг ўзи камлик қилади.

Сурхондарёлик хали йигирма ёшга тўлмаган Сирожиiddин Иброҳим, ёш бўлишига қарамай, катталардек мулоҳаза юритади. Дунёқарашини кенг, ёзганлари самимий. Мана унинг сатрлари:

Самога қарадим, юлдуз қулади, Бечора ёш тўла кўзимга ботди. Кўзда қолганлари шўхчан қулади, Мазлумнинг сукути мени уйғотди. Кўзим қароғида йиғлади беун, Ох, унинг дардида ёниб тўймадим. Ер ўзи бошини пойимга қўйди, Мен унинг юзига оқё кўймадим.

Бундай мисраларни ўқиганда шеърятимизга сўзни амал, адабиётни қисмат деб билишга шай ёшлар кириб келаётганидан қувонасиз, албатта. Бундан уч-тўрт йил аввал «Олтин остонага биринчи қадам» туркумида ёшларнинг илк тўпламлари чоп этилган. 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон уюшмаси томонидан «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида ёш қаламкашларнинг илк тўпламлари нашр этилаётир. Ушбу туркумда 2011 йили чоп этилган айрим шеърӣ тўпламларнинг ютуқлари ҳақида матбуотда ёзилди. Очиги, ушбу илк тўпламлардаги шеърларнинг даражаси ҳар хил. Ҳатто бир муаллифнинг шеърӣ битиклари орасида катта тафовут бор. Айниқса, бу Нуржон Авазованинг шеърӣ машқларида кўзга ташланади.

«Кўзимни йўлларга боғлади тақдир», дея чиройли топилма битган Ориф Толиб худди шу шеър («Тақдир»)да қуйидагича ёзади:

Бунчалар гўзалсиз, бунчалар нафис, Дод дейми, ох дейми, ёлворай — нетай?!

Шу каби сатрларни ўқиб, баъзан бир қизча назарга илмалган хатни тап тортмай катта ижодга кўтариб кирмаяпмизми, деган хавотир уйғонади. «Шу қизлар ичиде танлаганим бор» қабилдаги гаплар, фаҳмимизча, шеърни жўнлаштиради, холос.

Баъзи тўпламлардаги имловий хатолар ошдан чиққан тошдек тилга тегади. Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида кўпинча қирилчдаги «э» ва «е» харфлари бир хил — «е» шаклида ёзилиб кузатиляпти. Натижада «ёмонни эр ютмаскан», «майин эл сочларим тортиқлар секин» каби кулгили мисралар пайдо бўлади ёки «этиш бир томимир» деб ёзилганда етмиш бир томир биттага айланиб қолади.

Келиб кўр кўксимда нишлар изи бор, Тилларим учиде тишлар изи бор, Елкамда иккита қушлар изи бор, Қуш эдим қайларга билмай кўндим ман, Бир сени ўйласам фақат ёндим ман. (Аҳд Қаюмининг «Яна соғиндим, яна...» тўпламидан.)

Аллақачон кўшиқча айланган ушбу тизмалар шеър талабларига жавоб бера оладими-йўқми, бунинг ўзини билдириб турибсиз, аммо қўланилган сўзларчи? «Иккита қушлар» нима дегани? Сонинг ўзи кўплик маъносини бермайдими? Бундан ташқари, бу ерда «ман» дейиш ҳам ўзини оқламайди. Муаллифнинг ўзи айтмоқчи, «Шеър экан деб ҳамма гапни ёзаверсанг», иш битмайди-да.

Қисқаси, ёшлар ижоди ютуқ ва камчиликлари билан бугунги шеърятимизда ўз ўрнига эга. Юқоридаги кузатишларимизга хулоса қилиб айтиш мумкинки, катта адабиётга кириб боришга интилаётган ёш ижодкорлар қалами тобора чархланаёпти. Энг муҳими, улар изланаётир.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Миллий адабиётлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни ривожлантиришда ижодкорларнинг хизмати жуда муҳим. Чунки адабий алоқа ва таъбирнинг натижаси ижодкор шахси, адабий фаолияти билан боғлиқ. Рамзий маънода айтсак, ижодкор бир миллий адабиёт билан иккинчисини боғлаб турадиган кўприк. Фаолият шу хусусият билан йўғрилган шоир ва ёзувчилар барча халқлар адабиётларида бор. Таниқли туркман олими, филология фанлари доктори, шоир ва таржимон Аҳмет Маммедов шундай қалам соҳибларидан.

ДЎСТЛИККА САДОҚАТ

Қардош халқлар адабий алоқаларига бир назар

Салкам ярим асрдан бери туркман адабиётининг Марказий Осиё халқлари адабиётлари билан ўзаро алоқаларини ўрганиб келаётган олим туркман китобхоналарини қардош ўзбек адаблари ютуқлари билан таништириб бормоқда. У ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ шоирларининг кўплаб шеърларини туркман тилига таржима қилди, ўзи ҳам бу халқлар ҳаётига бағишлаб туркум шеърлар, достонлар яратди. Шоирнинг «Бир қалбнинг навалари», «Кўнгул кўзгуси» ва бошқа шеърӣ китобларида Мар-

образлар негизиде оригинал бадиий сюжет яратган. Гўрўғли ва Гулоий тимсолида қардош халқлар бошларига оғир кунлар тушганда бир-бирига мададор бўлгани, душманга қарши курашда бири учун иккинчиси кўксини қалқон қилгани —

Теран томарлар

дўстлик ва чин биродарлик гоёси асарнинг маъно-моҳиятига сингдирилган. Бугунги глобаллашув даврида бу гоёнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта.

А. Маммедов қорақалпоқ адабиётининг Туркманистондаги энг фаол тарғиботчиси. Ўзбекистон Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсуповнинг «Ўриқлар гуллаганда» номли шеърӣ китоби, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ шеърятидан намуналар унинг таржимасида тўплам шаклида босилди. Тўпламдаги «Махтумқулининг қорақалпоқ шогирдлари» номли мақоласида таржимон атоқли шоирларнинг қорақалпоқ мумтоз адабиётидаги ўрни, асарларнинг бадиий хусусиятлари, Махтумқули аъёналарига издошлигини илмий жиҳатдан очиб берган. Мутаржим ўзбек ва қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималарини 2000 йили Туркияда нашр этилган «Турк дунёси шеърятини» антологиясига киритди ва жўн адабиётни минбарига олиб чиқди. Бу, чиндан ҳам, қардош халқлар адабиётларига чўкур хурмат ва садоқатнинг белгисидир.



Адабиётшунос олимлар А. Маммедов ва К. Қурамбоев Самарқандда.

казий Осиё халқлари дўстлиги тараннум этилган.

Мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётининг намояндлари, жумладан, Навоий ва Ҳусайний газаллари А. Маммедов таржимасида туркман тилида босилди. Алишер Навоий аъёналари таъсирида ўзи ҳам туркум газаллар ёзди. Шунингдек, XX аср ўзбек адабиётининг машхур ижодкорлари Собир Абдулла, Мақсуд Шайхозода, Уйғун, Ғайратий, кейинги авлод вакилларида Сирожиiddин Сайид, Мирпўлат Мирзо, Гулистон Матёқубова ва бошқа шоирларнинг шеърларини туркман шеърят ихлосмандларига етказди. Унинг «Бухоро кўлдаси» халқлар дўстлигини, баллада Бухоро тарихи саҳифаларини бадиий ёритишга бағишланган.

Шоир Қорақалпоғистонда тез-тез ижодий сафарларда бўлиб, ўлканинг ҳаёти, ижод аҳли, олимлари билан дўстона муносабат ўрнатган. Муаллифнинг «Қорақалпоғим», «Бердақ тўйига бораётганда Махтумқулининг айтганлари», «Ажиниёз», «Орол эртаги», «Тўртқўл туркманларига», «Суҳбатдош бўлганда Улмамет билан», «Қорақалпоқ қизи», «Шуманай», «Ўзбек — туркман — қорақалпоқ» ва яна бошқа туркум шеърларида ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг сурати ва сийрати миллий лилолари билан жуда табиий чизиб берилган. Қорақалпоқ мавзусидаги «Қирқ қиз» достониде муаллиф халқ оғзаси ижоди дурдоналаридаги ўлмас

рнинг Туркманистондаги тарғиботчиси, фаол таржимони бугунги адабий жараённинг ҳам толмас иштирокчиларидан. Унинг шеърлари «Амударё» журналы, «Еркин Қорақалпоғистон», «Аму тонги» ва «Қорақалпоқ адабиёти» газеталарида ўзбек ва қорақалпоқ тилларида мунтазам босилиб турибди. А. Маммедовнинг шеърлар тўплами «Кўнгул кўзгуси» номи билан А. Утепбергенов ва К. Ернарзоров таржималарида «Қорақалпоғистон» нашриётида чоп этилди ва шеърят мухлисарида яхши таассурот қолдирди.

Ижодий фаолиятининг салмоқли қисмини ўзбек ва қорақалпоқ адабиётлари ютуқларини Туркманистонда тарғиб қилишга бағишлаган, туркман — ўзбек — қорақалпоқ адабий алоқаларининг жонқуяр тадқиқотчиси, қардош халқлар адабий ҳамкорлигига оид ўн бешга яқин илмий рисола, ўндан ортиқ шеърӣ китоб муаллифи, моҳир таржимон Аҳмет Маммедовга қардош халқлар адабиётлари ўртасидаги дўстлиқни янада мустаҳкамлашда ғайрат ва ютуқлар ёр бўлишига тилақдошмиз.

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор,
Машариф САФАРОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

Китобингизни ўқисан

лутфкор бир умид. Китобга филология фанлари доктори Охунжон Сафаров ниҳоятда чиройли кириш сўз ёзган. Халқ оғзаси ижоди бўйича йирик мутахассис бўлиб танилган Охунжон аканинг мумтоз адабиётимиз бўйича ҳам нақадар билимдон эканлигига очиги, тан бердим.

Бир сўз билан айтсам, китобни ўқиб суғондим. Самандар Воҳиднинг ижодкор сифатида маҳорати ўсиб бораётганини ҳис этдим. Азизим Самандар! Умрингиз узоқ, ижодингиз янада баракали бўлсин.

Омон МУХТОР,
Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати

бахрамандлик ҳам боқийдир. Самандар Навоий ижодидан келиб чиқиб, ўзининг бу ижоддан биринчи наватда бахраманд эканлигини айтиб, китобга муносиб ном берибди. Китоб хали айтганимиз, одоб ва маданият билан тузилган. У Самандар Воҳиднинг «Биҳамдиллох Навоий бор» деган мухаммас билан очилади. Самандар:

Не тонг, бу юртда ҳар уйда ҳаводай хур Навоий бор — деб юқоридаги фикрни таъкидлайди. Яна бир ўринда ёзади:

Агар нуқсон беҳаддур, Самандар, навиди эрмасмен, Ки, атфол деб, гуноҳим туттали маъзур Навоий бор.

Яъни атфол — бола қўлидан келганча иш тўтибди, деб Навоий кечиради, мазмунида



БОҚИЙЛИК КАСБ ЭТГАН БОҒ

ган шоирлардан биридир. Кўп йиллардан буён шахсан мен ҳам унинг шеърятини мухлисман. Яқинда ижодкор дўстимнинг «Бу боғда баҳра боқийдур» деб номланган янги китобини ўқиб чиқдим. Самандар ҳазрат Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» девонини йиллар давомида мутлола қилиб, ўзи пухта ўрганган эллик газалга, уларнинг ўрнини белгилаган ҳолатда, ошиқона шайдолик билан мухаммас боғлабди. Мухам-

Болалар театри мўъжизакор бир олам. Бу оламнинг жажжи юракларга эзгулик, меҳр-муҳаббат улашувчи сеҳрлар актёрлари бор. Дунёга болалар нигоҳи орқали назар ташлаш уларнинг ҳаётий фалсафасига айланган. Бугунги суҳбатдошимиз — республика Ёш томошабинлар театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Акром Исмолов. “Заҳарли томчилар” (Рус), “Пиноккио” (Жипетто), “Халфана” (Ҳожи бобо), “Меш-полвон” (ота), “Умид дарахти” (шифокор) каби кўплаб спектаклларда турли характердаги ролларни ижро этган актёр билан суҳбатимиз болаларча самимийликка йўғрилган лаҳзаларга бой бўлди.

— Очигини айтсам, ёшингизни эшитганда катта ҳаёт тажрибасига эга, улугвор кўринишдаги бир одамни кўз олдимга келтиргандим. Лекин сиз ёшингизга нисбатан жуда навқирон кўринасиз. Эҳтимол, бу болалар театрининг таъсири бўлса керак?

— Жуда тўғри айтдингиз. Биз боғча ва мактаб ёшидаги болаларга хизмат қиламиз. Томошабинларимизга кўз тегмасин. Ҳозир театримиз заллари гавжум. Айниқса, боғча болаларига спектакл кўйганимизда ҳаммамиз болалар дунёсига шўнғиб кетамиз. Агар ўзимиз кичкинтойларнинг сирли дунёсига киролмасак, болаларни ишонтира олмаймиз. Шунинг учун бизнинг театримиз актёрлари, биринчи навбатда, болаларни чин юракдан севиши керак. Болаларнинг ҳар бири алоҳида олам. Ана шу оламнинг ичига кириб бориш актёрдан ўзига хос маҳоратни талаб қилади. Баъзан болалар билан мулоқот чоғида ёшимни ҳам унутиб, ўзимни худди улар билан тенгқурдек ҳис этаман.

— Ўзингизнинг болалигингиз қандай ўтган? Санъатдаги илк қадамларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тошкентнинг Эски шаҳарида катта бўлганман. Жуда қизиқувчан бола бўлган эканман. Лойдан ҳар хил ҳайкалчалар ясаш, кичик ёғочлар ўртасига сим тортиб, ундан мусиқий оҳанглار таратиш энг севимли машғулотларимдан эди. Уша пайтларда борзорларга ўрнатилган катта радиоканрайлар орқали “Театр микрофон олдиди” деган эшиттириш бериларди. Баланг тепаликка чиқиб радиоспектаклларни жон кўлогим билан тинглардим. Кейин “Ўзбекфилм” киностудиясига кўп қатнардим. У ерда ўзбек филмларининг суратга олиниш жараёнини мароқ билан кўзатардим. Кейинчалик Ўзбеки-

стон радиосида Неъмат Дўстхўжаевдан, ўқувчилар саройида эса Учқун Назаровдан сабоқ олганман. Ана шундай кадрдон манзаралар санъат билан тақдиримни боғлашимга асос бўлган.

Мактабни битиришимиз арафасида маданий

ЁНИБ ИЖОД ҚИЛИШ ЗАВҚИ

оқартув техникумидан Эркин Нурмуҳаммедов деган ўқитувчи келиб эстетика фани бўйича суҳбат ўтказди. Навоий, Гамлет, Отелло монологларидан ўқиб, ҳаммамизни ҳайратга солди. Мен ўша кунёқ шу масканда ўқишга аҳд қилдим. Техникумда ҳаётимда туб бурилиш ясаган Эркин Нурмуҳаммедов актёрлик маҳоратидан, тажрибали ва моҳир ижодкор Маҳкам Муҳамедов режиссурадан сабоқ берган. Ижодий фаолиятимни Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида бошладим. Шу билан бирга Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ўқидим. Спектакллардаги ижромимни кузатиб юрган Ўзбекистон халқ артисти Карим Хонкелдиев ўзи ишлайдиган республика Ёш томошабинлар театрига ишга тақлиф қилди. Ана шундан буён мазкур даргоҳда ижод қилиб келяман.

— Узоқ йиллик тажрибангиз асосида ёш томошабинлар кўнглидан муносиб жой олиш сирлари билан ўртоқлашсангиз?

— Қизиқ бир воқеани айтиб бермоқчиман. Бир неча йиллар аввал театримизда Неъмат Рўзимухаммедов асари асосида режиссёр Омон Шарипов “Балли, улоқча” номли спектаклни саҳналаштир-

ган эди. Менга Бўри роли топирилди. Бўрининг табиатинан ёвуз экани ҳаммага аён. Лекин мен бу образни беозор, содда, оққўнғил, самимий гавдалантиришга интилдим. Яъни болалар Бўридан кўркмаслиги керак эди.

Шундай бўлди ҳам. Болалар меннинг ижромимдаги бўрига раҳм ва ачиниш ҳисси билан муносабатда бўлишди. Болаларни улоқчадан ҳам кўпроқ Бўри қизиқтириб қўйган эди. Улар Бўрининг яхшилигини ҳис қилиб, унга чин дилдан ишонишди. Айтмоқчиманки, болалар онгида табиат, олам, жонотлар ҳақида бирёқлама фикр шаклланиб қолмаслиги керак.

— Сиз Ёш томошабинлар театри тарихи ва бугуни билан яхши таниш бўлган ҳолда икки даврни ўзаро боғлаб турган ижодкорсиз. Театрининг бугунги фаолияти ҳақида нима дея ола-сиз?

— Мустақиллик шарофати билан театримиз репертуаридан кўпроқ миллий руҳдаги спектакллар ўрин олди, томошабинларимиз сони кўпайди. Бугунги кунда болалар театрига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамоамиз доимо қизгин ижодий жараёнда. Кўплаб янги асарлар саҳналаштирилмоқда. Масалан, ёзувчи Ўткир Ҳошимов асари асосида саҳналаштирилган “Умид дарахти” спектакли ўсмир ёшдаги мухлислар учун яхши совға бўлди. Ижодий изланишлар юқори савиядаги ижод намуналари яратилишига, янги истеъодлар кашф этилишига йўл очади.

Театримизда миллий кадриятларимизни тарғиб қилувчи спектакллар кўпроқ бўлишини истайман. Ахир, қанчадан-қанча миллий руҳдаги бой адабий манбаларимиз мавжуд. Бу нодир асарларга мурожаат қилиб, улар асосида спектакллар яратиш режиссёрларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири. Ўзбек боласи Алломиш, Тўмарис, Широқ каби миллий қаҳрамонларимиздан ўрнак олиб тарбия топиши зарур. Бизнинг вазифамиз болаларни самимийликка, тўғрилиқка, ростгўй ва ҳалол бўлишга ўргатишдан иборат. Актёр қайси театрда ишлашидан қатъи назар, юзакиликка, сохталикка, ёлгонга йўл қўйишга ҳаққи йўқ. Саҳнада ёниб ижод қилиш керак.

Учрашув

У болалик чоғларидек мусаввир бўлишни дилига тугиб, мўйқалам усталарнинг асарларини диққат билан кузатар, тинмай машқ қиларди. Иш столи устида ҳаммиша турди шакл, чизма ва ҳомаки сурат нусхалари турарди. Чизаётган суратларида аксарият ёш, қувноқ болалар акс этарди.

САНЪАТЧИ КУЛОЛ

Файзулла кейинчалик лой ва гипсдан турли уйинчоқлар ясаш билан машғул бўлди. Бу қизиқ ишда атроф-муҳит таъсири ва мактабда ўтказилаётган касб-ҳунарга йўналтириш ишлари орқали шакллана бошлади. Унинг иштиёқи пайкаган устои Баҳром Ҳамдамов йўл-йўриқ ва маслаҳатларини аямади. Файзулла секин-аста кичкинтойлар учун ҳавас қилса арзигулик турли уйинчоқ ва ҳайкалчалар ясайдиган бўлди. Улар ҳали санъат даражасига етмаган бўлса-да, нафис ва бежирим ишланган туйғул қўлчиликда ҳавас уйғотарди. Унинг гипсда ишланган кичик ҳажмдаги бюст ва ҳайкалчаларида маънони тўлароқ ифода қилишга, ишонарли қиёфалар яратишга ҳаракат қилиётгани сезила бошлади.

Ўрта мактабни тугатган Файзулла Жиззах санъат билим юртига (ҳозирги санъат касб-ҳунар коллежи) ўқишга киради. Бу ерда машғулотлар довомида устозлардан рангтаъсвир ва ҳайкалтарошлик сирларини ўргана бош-

юмлар лакланиб бўёқ берилгач, янги кўриниш касб эта бошлади. Ўта нозик бу жараён устандан ҳафсала билан ишлашни, маҳорат ва тажрибани талаб этади.

Уста кулол йигирма йилдирки, ўз касбининг эъзозлаб, ёшларга хунармандчилик сир-асрорларини ўргатишдан чарчамайди. Унинг шоғирдлари бугун вилоятнинг турли туманларида фаолият юритишмоқда. Ҳозирда кичик жамоанинг олтига аъзоси бўлиб, буюртмаларни бекам қўсти, сифатли бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Аҳил жамоа ҳар йили вилоят бўйича ўтказиб келинаётган турли ярмарка ва кўрик-танловларда гипсдан безак учун ишлатилган қосиқлар, нақшлар, кичик ҳажмдаги ҳайкалча ва уйинчоқлар, лойдан ишлан-

ган уй-рўзгор буюмлари билан иштирок этади. Айниқса, Ҳасан ва Хусан Мамараҳимов, Зойир Худойкулов каби усталар маҳорати кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Устоз Файзулла Жўрабеков “Ташаббус — 2010, 2012”

Хунар — зар



Лобар ҚОБИЛОВА

ЯНГИ МУСИҚА КОШОНАСИ

Мамлакатимизда янги ўқув йили бошланган шу кунларда Самарқанд вилоятида бир қатор болалар мусиқа ва санъат мактабларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Ёш авлодни юксак инсоний фазилатлар руҳида маънан баркамол этиб тарбиялашда мусиқа ва санъатнинг ўрни беқиёс. Болалигидан санъатга меҳр қўйиб, унинг сеҳру синоатидан баҳраманд бўлган ёшларнинг гўзал одоб-ахлоқ, кенг тафаккур эгаси бўлиб камол топиши табиий. Шу боис мамлакатимиз таълим тизимида фарзандларимизнинг ёруғ келажагини кўзлаб амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мусиқа ва санъат йўналишидаги таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхши-

лаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дастурга кўра, жорий йилда Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарлари, Оқдарё, Нуробод, Каттакўрғон, Пластдарғом туманларидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг тўрттаси янгидан бунёд этилди, иккитаси тубдан реконструкция қилинди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган мазкур таълим муассасаларида мавжуд йўналишларга мос ўқув хоналари ташкил қилиниб, улар мусиқа асбоблари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Мактабларда эстрада, театр санъати, амалий санъат каби янги йўналишлар очилди. Шунингдек, ёзги ва қишки концерт заллари, тас-

вирий санъат асарлари ва хунармандчилик буюмлари кўргазмаларини ўтказиш жойлари, ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди.

Эътибор

Оқдарё туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси ҳам жорий йилда янгидан қурилди.

— Шу пайтгача мослаштирилган бинода фаолият кўрсатар эдик, — дейди мактаб директори Ориф Искандаров. — Бу ҳолат ўқувчиларга талаб даражасида сабоқ беришда, машғулотлар ўтишда муайян қийинчиликлар туғдирарди. Замонавий, барча шарт-шароитларга эга янги бинонинг фойдаланишга топширилиши педагогик жамоамиз ва ўқувчиларимиз учун ажойиб тўхта бўлди. Ҳозирги пайтда 150 ўринли таълим муассасамизда йигирмага яқин синфхона ва устaxonалар, концерт зали, ахборот-ресурс маркази, маънавият хонаси мавжуд. Синфхоналар ҳар бир йўналишга мос тарзда қурилган ва жиҳозланган. Бу машғулотларни давлат таълим стандартлари асосида ўтказиш, ўқувчилар билан алоҳида шуғулланиш имконини беради. Шунингдек, эстрада, амалий санъат каби янги йўналишлар ҳам очилди.

Ф.ХАСАНОВ, ЎЗА муҳбири

лайди. Билим юртида ўтказилаётган турли тадбир ва кўргазмаларда расм ҳамда хунармандчилик буюмлари билан иштирок этади.

Файзулла Жўрабеков ўқув даргоҳини тамомлаб, Жиззах шаҳар “Санъат” маҳалласида кулолчилик чеҳи очди. Вақт ўтиши билан ҳар саҳни кенгайтирилиб, зарур жиҳозлар билан тўлдириб берилди. Аҳолидан бирин-кетин буюртмалар туша бошлади. Маҳаллада кўпчилик уни “уста кулол” деб атайдиган бўлди. Уста билан ҳафтада учрашди.

Нур ёғилиб турган юз-қўзларидан касбидан мамнулигини сезиш қийин эмасди. Мўъжазгина ҳар саҳни саранжом-саришта, тоқчаларга зарур асбоб-ускуна ва хунармандчилик буюмлари тартиб билан териб қўйилган. Уртада пиштирилган лой уюми турибди. Лой — устанинг асосий хом ашёси бўлиб, маромига етказилгач, гандан тайёрланган қолипга қўйилади. Кейин ҳумдонда пиштирилиб ишлов берилгач, тайёрланажак буюмлар бирин-кетин чарҳда силқиланади. Сўнгги босқичда бу-


республика кўрик-танловининг совриндори. Шунингдек, уста кулол ҳар йили шаҳар ва вилоят бўйича ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол қатнашиб, фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланиб келади.

— Ҳар бир буюртмани яхши ва сифатли бажарганимда кўнглим кўтарилиб, кунни бўйи ўзимни энгил ҳис қилиб юраман, — дейди Ф.Жўрабеков. — Энг муҳими, ишларим билан атрофдагиларга фойда келтираётганимдан хурсандман.

Ўз касбининг устаси Файзулла Жўрабеков хунармандчилик буюмлари, сурат ва картиналарини болалигидан соғва қилишни ёқтиради. У сўнгги икки йил мобайнида Жиззах шаҳридаги “Ширин”, “Дўстлик”, “Нихол” каби боғча тарбияланувчиларига ҳамда мактаб ўқувчиларига кўплаб сурат ва ҳайкалчаларини соғва қилди. Болалар ҳам вақти-вақти билан кулолчилик устaxonасида бўлиб, касб ўрганишга ҳаракат қилишмоқда.

Абдулла САИДОВ

ПИОНГУЛ НАТЮРМОРТИ



Машҳур рассом Винцент ван Гог ижоди атрофидаги шов-шувлар яна авж олмоқда. “Reuters” ахборот агентлигининг хабар беришича, тез орада рассом қаламига мансуб асарлар сони камайиши мумкин. Сабаби ван Гогнинг “Пиёнгул натюрморти” номи билан машҳур бўлган картинаси бошқа рассомга тегишли экани тахмин қилинмоқда.

Ушбу асар 1977 йили аниқланган бўлиб, постимпрессионизм йўналишининг юксак намуналаридан бири сифатида баҳоланган. Бироқ АҚШда жойлашган Ван Гог музейи ходимлари бу асарнинг рассомга тегишли эканини рад этишди. Картинанинг бўёқ таркибини ўрганиш жараёнида номатълум соч толаси топилди эса мутахассислар иккилантириб қўйди. Бироқ ҳозирча бу масалада аниқ бир ҳулосага келин-

гани йўқ. Чунки бу соч толаси машҳур рассомга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Бордию асар Ван Гог қаламига мансуб эмаслиги тасдиқланса, у ҳолда картинанинг қиймати сезиларли даражада пасаяди. Эслатиб ўтамиз “Пиёнгул натюрморти” ўттиз тўққиз миллион еврога баҳоланган бўлиб, таниқли коллекционер Маркус Роуброксуга тегишли.

“ОЛТИН ШЕР” СОВРИНДОРИ

Европанинг энг нуфузли санъат анжуманларидан бири халқаро Венеция кинофестивали ўз голибларини аниқлади. Бу йил олтинмиш тўққизинчи мартаба ўтказилган танлов доирасида саксондан ортиқ бадиий филмлар намойиш этилган бўлиб, уларнинг аксариятини муаллифлик картиналари ташкил қилди.


Асосий мукофот “Олтин шер” совринини кўлга киритиш учун япониялик машҳур кино устаси Такеши



Китано (“Инқироз”), ўтган йили энг яхши филм йўналишида Кан танловида бош мукофотни кўлга киритган Терренс Малик (“Ҳайрат”), Франческа Коменчини (“Унутилмас кун”), Брайан де Пальма (“Эҳтирос”), Хармони Корин (“Ажойиб таътил”) каби режиссёрлар даъвогарлик қилди. Эътиборли жиҳати, кўпгина мутахассислар бош соврин Пол Андерсоннинг “Уста” филмига насиб этишини баҳорат қилган эди. Бироқ бу тахмин ўзини оқлагани йўқ. Таниқли режиссёр Майкл Манн бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, Венеция кинофестивалининг олий мукофотида жанубий кореялик кино устаси Ким Ки Дукнинг триллер жанридаги “Пьерта” филми лойиқ топилди. П.Андерсон энг яхши режиссёрлик иши учун “Кумуш шер” билан тақдирланди. “Энг яхши эркак рол” йўналишида Хоакин Феникс ҳамда Филип Хоффман (“Уста”) филмидаги ижроси учун) голибликни кўлга киритган бўлса, “Энг яхши аёл роли” номинациясида бош соврин “Бўшлиқни тўлдиринг” картинасидаги ижроси учун исроиллик актриса Хадас Харонга топширилди.

НОЁБ КАРТИНА

Испаниянинг қадимий Кастуло шаҳрида қазима ишларини олиб борган олимлар ноёб санъат асарига дуч келишди. Рим даврига оид шаҳар вайронлари остида мозаи-



ка услубида ишланган улкан картина топилди. Ушбу тасвирий санъат намунаси миллидий иккинчи аср бошларига оид бўлиб, Гомернинг машҳур “Илиада” достонига асосда ишланган лавҳалардан иборат.

Мазкур санъат асарини ўрганиб чиққан олимлар хайратларини яшира олишмади. Қарийб ўн саккиз аср давомида мозаикага деярли жиддий зарар етмаган. Шунингдек, яна бир жиҳат олимлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Санъат асарининг ҳажми ўн икки метр бўлиб, бу Рим даврига оид энг катта мозаикаларидан бири бўлиши мумкин. Тўғри, бу борадаги тадиқотлар ҳали яқунига етгани йўқ. Шунга қарамай, “Кастуло мозаикаси” қадимий санъат тарихидаги энг йирик ижод намуналари қаторидан ўрин олиши аниқ.

ГОЛЛИВУД ИНҚИРОЗГА УЧРАЙДИМИ?

Голливуд кино ижодкорлари яқин йиллар ичида жиддий муаммага дуч келиши мумкин. Бунинг сабаби АҚШ киностудиялари суратга олган филмларга талаб ошаётгани йўқ. Аксинча статистик маълумотлар кинотеатрга таширф буюрувчи томошабинлар сони кескин камайганини кўрсатмоқда. Ҳисоб китобларга қараганда ёз мавсумида бор-йўғи беш юз ўттиз уч миллионга яқин чипта сотилган. Бу сўнгги йигирма йилдаги энг паст натижа ҳисобланади.


Мутахассислар буни интернет тизимининг ривожланиши билан изоҳлашмоқда. Бундан ташқари янги филмларнинг DVD шаклидаги нусхаси сотувда анча эрта пайдо бўлаётгани ҳам кинотеатрга келувчи мухлислар оқими сийрақлашишига олиб келаётди. Вазият шу аҳволда давом этса яқин йиллар ичида Голливудда ишлаб чиқариладиган бадиий филмлар сони қисқариши мумкин.

ОЛИМПИАДАНИНГ КИНО ТАЛҚИНИ

Дунё кино экранларида “Лондон — 2012” олимпиадасининг очилиш маросими бағишланган тўлиқ метражли филм пайдо бўлиши мумкин. Эътибор-

ли жиҳати шундаки, ушбу лойиҳага машҳур кинорежиссёр, “Харобадан чиққан миллионер” филми муаллифи Дени Бойл бошчилик қилмоқда.

Санъат илхосмандларининг хабари бор, Д.Бойл Лондон олимпиадаси тантаналарида саҳналаштирувчи режиссёр сифатида иштирок этади. Энди навбат спорт анжуманининг кино талқинига етиб келган. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат чоғида режиссёр дунёдаги энг нуфузли спорт шодиёнаси ҳақида ҳужжатли картина эмас, балки чинакам бадиий филм яратишни мақсад қилганини таъкидлади. Филмнинг тақдироти қачон бўлиб ўтиши ҳозирча номатълум бўлса-да, янги картинанинг илк лавҳалари интернет тармоғида намойишга қўйилган.



Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда Вьетнам маданияти кунлари бўлиб ўтаётди. Шу муносабат билан вьетнамлик ижодкорлар билан учрашувлар, концерт

расига қиради. Ушбу лавҳада театрнинг фақат ташқи кўриниши ифодаланган бўлишига қарамай, томошабинлар жаҳон меъморчилиги ютуқларини ўзида жамлаган бино ҳақида тугал тасаввур ҳосил қилиш имконига эга. Шу ўринда муаллифнинг тасвири кўра билиш истезодди, турли ракурсларни илғай олиш маҳоратини эътироф этиш лозим. "Бугунги Вьетнам" фотоэтнодиди Ханой шаҳрида амалга оширилаётган

гўзал табиат мўъжизаларига бағишланган. Да Лат шаҳрида жойлашган пурвқор тоғ этакларидан оқиб тушаётган зилол шаршара кўзни қувонтиради. Шунингдек, Вьетнам маданиятининг ноёб жавоҳирларига бағишланган фотожамланмаларга ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Мазлумки, Вьетнамда гуруч миллий

ларини эслатувчи шаклга кириб, тўқликфаровонлик тимсолига шукрона келтиришади. Дан чан, Дан бау, Таи нгуен каби чолғу асбоблари мамлакат ҳаётини мусиқа санъатидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаслигига ишора.

Кўргазма залида



бойлик сифатида эъзозланади. Вьетнам маданиятининг нодир намунаси — "Олтин гуруч" рақси фикримиз далилидир. Бу рақсда аёллар жамоаси гуруч бошоқ-

— Кўргазма нафақат санъат ихлоسمандлари, балки кенг жамоатчиликка ҳам манзур бўлмоқда, — дейди таниқли фотоижодкор Рустам Шарипов. — Қувонarli жиҳати, қатнашчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этган. Баркамол авлод вақилларининг Шарқ маданиятига бефарқ эмаслиги албатта, ижобий ҳол. Тўғри, бир кўргазма доирасида Вьетнам маданиятининг барча жабҳаларини камраб олиш осон эмас. Шунга қарамай, намойиш этилаётган фотосуратлар мамлакат ҳаёти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун етарли асос бўла олади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, 2013 йили Ханойда "Ўзбек маданияти кунлари"ни ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, унда вьетнамликлар Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихи, маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ

ОЛМАНИНГ МИНГ БИР ХОСИЯТИ

Кембридж университети олимлари 49 ёшдан 79 ёшга бугун 25 минг киши иштирокида йирик тадқиқот ўтказиб, шундай хулосага келишди: ҳар кун битта олма истеъмол қилган кишининг умри уч йилга узаяр экан. — Олма таркибида бириктурувчи тўқималар ва пектин жуда кўп, — дейди биология фанлари доктори Е.Терёшина. — Пектин табиий полимер бўлиб, зарарли (радиоактив) моддалар, оғир металллар, холестеринни ютиш ва уларни организмдан чиқариб юбориш хусусиятига эга. Шунга кўра, бу неъмат ичакларни ва қонни тозалайди, ичак микрофлорасини тиклайди, қондаги қанд миқдорини камайтиради, иммунитетни мустаҳкамлайди. Бу эса, ҳақиқатдан ҳам, умрга умр қўшилади, деганидир.

Олманинг организмни саратон хасталигидан ҳимоялаши ҳам исботланган. Негаки, антиоксидантларнинг кўпчилиги жиҳатидан олмага тенг келадиган мева йўқ. Олма тўқималарни шикастловчи эркин радикаллارни нейтраллаштириб, саратонга қарши кучли таъсир кўрсатади. Антиоксидантлар олманинг мағизиди бисёр, айниқса, пўстида кўпроқ.

Соғлағинг — бойлағинг...

Олимлар олманинг пўстида тритерпеноид деб аталувчи органик бирикмалар мавжудлигини ҳам кашф этишди. Бу бирикма кўкрак безида, жигар ва йўғон ичакда саратон тўқималари кўпайишининг олдини олади. Кучли антиоксидант ҳисобланувчи флавоноидлар олманинг пўстида унинг мағизидидаги қараганда 2-3 баробар, фенол кислоталари эса 2-6 баробар кўп экан. Шунга ҳам унутмаслик керакки, олма дарахтлари зараркундаларга қарши дориланади, шунингдек, хориждан келтирилган олмаларга узоқ вақт сақлашни учун кимёвий ишлов берилди. Буларни ҳисобга олиб, истеъмол қилишдан олдин уларнинг пўстини иссиқ сув ва совун билан яхшилаб ювиш зарур. Келажакда олманинг фойдали хусусиятлари асосида саратон хасталикларини даволаш учун янги препарат яратилиши мумкин, дейишмоқда олимлар.

Флорида университети олимлари 45 дан 65 ёшга бугун бир гуруҳ аёлларнинг ош-овқатида бир йил давомида кунига 75 граммдан олма қоқи кўшиб бериб, тадқиқот ўтказдилар. Синов даврида улар организмдаги холестерин миқдори тахлил этиб борилди. Орадан олти ой ўтиб, уларда қон томирларда тошма ҳосил қилувчи, атеросклероз, юрак хуружи ва инсультга сабаб бўладиган ёмон холестеринлар миқдори ўртача 23 фоизга, шунингдек, юрак хуружига сабабчи деб қараладиган биомаркерлар миқдори ҳам хийла камайгани қайд этилди. Бундан ташқари, олма қоқи тановул қилган аёллар 1,5 килограммгача вазнларини йўқотишган.

Олма меъда-ичак оғриқларини ҳам енгиллаштиради. — Олмадаги бириктурувчи тўқималар микрофлорани мувозанатда сақлаб, қабзиятга қарши муолажа бўлади, — дейди гастроэнтеролог шифокор С. Косюра. — Олмадаги органик кислоталар таом хазм бўлишига ёрдам беради, микрофлора соғломлигини таъминлайди. Олма ўт ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Шу сабабли шифокорлар жигарда тош бўлганда олма истеъмол қилишни тавсия этишади.

Бирок шифокорлар гастрит, панкреатит ҳамда меъда яраси бор кишиларга ўта нордон олмаларни истеъмол қилишни тавсия этишмайди. Кўрда, духовкада ёки димлаб пиширилган олма эса бу хасталикларни даволашда қўл келмайди. Олма озишга ҳам ёрдам беради. Агар у пирожний ўрнига истеъмол қилинса, вазнини камайтиради. Шунга қарамай, олма таркибида кўп миқдорда углеводлар ва қанд мавжудлиги боис, уни парҳезиб неъмат деб бўлмайди. Олманинг майда уруғлариди ёйд бор, бирок у меъдаси сезгир одамларга тўғри келмайди.

Олма, айниқса, ўпка ва нафас йўли аъзолари учун жуда фойдали. Инглиз олимлари олма дамқисма хасталиги хавфини камайтиришни аниқладилар. Бунинг учун ҳафтасига иккитадан олма истеъмол қилиш ҳам етарли экан. Олманинг бундай фойдали хусусиятларини кўпчиликда синаб кўрган австралиялик ва финляндиялик олимлар ҳам юқоридаги тавсияларни тасдиқлашган. Фин олимларининг фикрича, табиатнинг бошқа неъматларида бундай хусусият йўқ экан. Нидерландиялик олимлар эса, катта ёшдаги 13 минг кишида тадқиқот ўтказиб, шундай қарорга келишди: олма ва нок нафас йўли аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳафтасига бештадан олма истеъмол қиладиганларда ўпка ҳажми бошқаларникидан катта бўларкан.

Селекциячи олимларнинг айтишича, пишганидан сўнг вақтида териб олинган олма ердан ҳам куч оларкан. Йўлда ёки тоқдада пишиб-етилган олмада эса фойдали моддалар нисбатан кам бўлар экан.

Олимлар гувоҳлик беришича, селекция йўли билан яратилган навлардан кўра, чиройли кўринишга ҳам ёввойи олмаларда тўйимли моддалар 15 фоиз кўпроқ.

Дарахтдан ерга тўқилган олма сиртидаги бурушган, эзилган жойларда могор ва захарли молда тўпланади. Олис хориждан келтирилиб, сирти мўм билан ишланган олманинг пўсти жуда зич бўлади.

Олманинг кесилган жойи тез қорайиб қолиши таркибиди темир моддаси кўплигидан далолатдир.

Олманинг рангида ҳам гап кўп. Кўк рангли навлар парҳезиб ва аллергиялари кам олма ҳисобланади. Уларда кислоталар ва С дармондориси бошқа навлардигидан кўра кўп, қанд миқдори эса оз бўлади. Рангдор навли олмаларда эса пектин ва антиоксидантлар кўпроқдир.

Олманинг катта-кичиклигида ҳам фарқ бор: ҳажми жуда катта бўлса, ундай олма ё пишиб ўтиб кетган ёки кимёвий моддалар билан тўйинтирилган, ҳажми кичиклари эса пишиб етилмаган бўлади.

Олманинг хиди ўткир бўлса, бу унинг пишиб-етилганлиги, демек фойдали моддаларга бойлигидан далолатдир.

"АиФ"нинг 33-сонидан.



ШАРҚИЙ ОСИЁ ЖАВОҲИРИ

кечалари ўтказилмоқда. Алишер Навоий номидаги Миллий Богда жойлашган "Маданият ва санъат кўргазмаси"да "Вьетнам — туганмас гўзаллик" фотокўргазмаси очилди. Экспозициядан саксондан ортиқ фото асарлар ўрин олган бўлиб, уларда "Шарқий Осийё жавоҳири" деб таърифланувчи мамлакатнинг бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналари намойиш этилмоқда.

Кўргазма залига кириб борар экансиз, аввало, Ханой шаҳри манзаралари акс этган суратлар эътиборингизни тортади. Йилдан-йилга чирой очиб бораётган шаҳарнинг замонавий қиёфаси томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Намойишга қўйилган асарларнинг мавзу доираси кенг бўлса-да, уларга хос умумий бир жиҳатни қайд этиш лозим: ижодкорлар гўзалликнинг турфа товланишларини асосан меъморий обидалар, санъат иншоотлари тимсолида ифодалашга интилишган.

Ханой шаҳрида жойлашган Катта театр биноси тасвири ана шундай асарлар си-

бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳарга сукунат чуқиб, атроф тун пардаси билан қопланган бир палла. Осмонўпар бинолар узра милтиллаб турган чироқлар шаҳарга сокин ҳаловат бахш этган.

Кўргазмадан ўрин олган асарларнинг бир қисми Вьетнам халқининг урф-одатлари ва маросимларига бағишланган. Ушбу тасвирлар мамлакат тарихи, маънавий ҳаёти билан чуқурроқ танишиш имконини беради. Олманин остин-устун қилишга қодир баҳайбат филлар келбати, уларнинг устида ҳадиксиз ўтирган ёш йигит-қизлар тасвири инсон ва жонворлар ўртасидаги дўстлик ғоясини ифодалайди. Яна бир туркум асарлар эса

"ОСИЙ БАНДА"

Яқинда "Ўзбекистон" нашриётида ХХ ўзбек адабиётининг атоқли намоянчаси, улкан адиб Одил Ёқубовнинг "Осий банда" номли китоби нашрдан чиқди. Китобга ёзувчининг "Осий банда" романидан боблар, хотиралари ва "Қарнок" номли ёдномаси киритилган.

Мазкур асарларнинг характерли жиҳати шундаки, улар бири иккинчисининг мантаний давомиди ҳаяжон билан ўқилади. Уларда адиб туйғунлик деб аталган яқин ўтмишдаги йилларнинг мураккаб, ўта зиддиятли, драматик воқеаларини қаламга олган. Ҳар бир асарда тасвирланган воқеаларга, шубҳасиз, муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган, айримларини ўз бошидан кечирган. Шу боисдан ҳам улардаги образлар, тақдирлар, кечмишларнинг ҳаққоний бадий талқинлари китобхонни беихтиёр ҳаяжонга солади, бугунги дорилонм кунлардан туриб яқин ўтмишга тийрак назар билан қарашга, ўтган кунлар моҳиятини чуқур англашга ундайди.

"Осий банда" китобини нашрга тайёрлаган таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров ушбу нашрдаги "Дарёнинг сўнгги тошқини" сарлавҳали сўзбошисиди шундай ёзади: "Одил Ёқубов вафотидан сўнг чиқаётган бир китобда ўттизинчи-қиркинчи йиллар ва кейинги таназзул даврларининг бир-биридан драматик воқеалари, катта тарих тегирмонига тушган шахсларнинг фожиали қисматлари, халқнинг ҳақиқий эрк, озодлик, мустақиллик сари интилишлари тўла ҳаққоний билан акс эттирилган".

Китобга ашурали Жўраев масъул муҳаррирлик қилган, тўловчи Искандар Ёқубов.

Доимий ҳахроқ



"ТАҚДИР ТЕГИРМОНИ"

Бадий таржималар — мамлакатлар ва халқлар маданиятини вақт доволарида опичлаб, манзилларга етказувчи карвондир. Ўзга диёрдаги кишилар ҳаёти, турмуш тарзи, ўй-кечинмалари ана шу таржималар орқали етказилади, англанади.

Америка адиби Сидни Шелдоннинг номи ўзбек ўқувчисига ҳам беғона эмас. Унинг "Тақдир тегирмони" романи китоб ҳолида, мутаржим Баҳодир Зокир таржимасида ўқувчилар қўлига етиб келди. Ушбу асар воқелиги фарб олами сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг ниҳоятда маҳорат билан чиқиб берилган бадий кўринишидир. Сиёсий, мафуравий курашлар, олий табақа вақиллари саналмиш ҳукумат ва турли уюшма кишиларининг инсон ва жамият олдидаги масъулияти ҳамда кирдикорлари асарда жонли тилда, раво

Саиджалол САИДУМАРОВ

"ИШҚ ЙЎЛИ"

"Тафаккур бўстони" нашриётида шоир Ориф Ҳожининг "Ишқ йўли" деб номланган янги китоби чоп этилди. Ўзига хос мўъжаз девон тарзида тартиб берилган мазкур китобдан ижодкорнинг мумтоз адабиётимиз анъаналаридан руҳаниб ёзган ғазаллари, мухаммас, мустазод, китъа, туюқ, рубоий, қўшбайт, мансавий ва фардлари ўрин олган. Ушбу девонда жамланган шеърларда шоир мумтоз ғазалчилик руҳи ва янги давр нафасини уйғунлаштири олган. Шунингдек, китобдаги ғазаллар мавзу мундарижасига кўра ранг-баранг.

Ориф Ҳожининг туюқлари ҳам эътиборни тортади, уларда тақдорга, вазан сакталликларига йўл қўйилмайди. Буни ушбу китобга сўзбоши ёзган филология фанлари доктори Шавкат Ҳасанов ҳам алоҳида таъкидлаган. Шоирнинг бошқа шеърлари қатори туюқлари ҳам унинг шеърий санъат анъаналарига нечоғли илос билан ёндашганини намойиш этади:

Агар одам бўлай десанг кўзинг оч,
Миянг ондан тўлут бўласин, ўзинг оч,
Муродинга етолмасан, биродар,
Мулоқотнинг тўқ бўлса-ю кўзинг оч.

Китобга Машарипбой Сафаров муҳаррирлик қилган.

Уйғун РЎЗИЕВ



Журналларни варақлаганга

"ГУЛИСТОН" 2012 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сони журналист Абдухалик Абдуразоқовнинг "Ватан манзаралари" публицистикаси билан очилади. Унда муаллиф Наманган ва Андижон вилоятларида истиқлол йиллари амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Шоир Шукр Курбоннинг "Шарқ марвариди" шеъри Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига бағишланган. Префессор Қозоқбой Йўлдош "Нозик туйғулор ифодаси" сарлавҳали тадқиқотида таниқли шоир Саъдулла Ҳаким шеърийнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижодкор маҳоратини теран кузатув ва таҳлиллар орқали очиб берган. Жалолбек Йўлдошбекнинг илмий мақоласи Тарозийнинг "Фунун ул-балого" асариди мумтоз поэтика муаммоларининг ишланиш таҳлиliga бағишланган.

"Театр ва талқин" руқнида берилган Б.Сангировнинг мақоласида замонавий ўзбек те-

"ЁШЛИК"

2012 йил, 7-8-сонлар

Журналнинг янги сониди "Минбар" руқни остида берилган Алишер Назарнинг "Кўнгил эҳтиёжи" публицистик мақоласида "мустақиллик манфаат эмас, мустақиллик — масъулият", "озодлик яшаш учун эҳтиёж эмас, балки яшашнинг ўзи" эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Фарида Афрўзнинг "Адиб хонадониди" руқнида берилган "Мангу ибодат" сарлавҳали мақоласида ижодкор, бадий сўз масъулияти, ўқувчилик йиллари, адабиёт ва устозлар ҳақидаги мулоҳазаларни, шунингдек, шоирнинг бир туркум янги шеърларини ўқийсиз.

Журналнинг насрий асарларга ажратилган саҳифалариди Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг "Оддий ҳақиқат", Холиёр Сафаровнинг



"Баҳор ифори", Холмуҳаммад Каримийнинг "Ёнғоққа тушган қурт", шунингдек, ёш носирлардан Абдужалол Раҳимов, Ҳамроҳон Мусурмонова ва Гулноза Эрнazarованинг ҳикоялари билан танишасиз.

Шеърийтаъминнинг навиқорон авлоди ижоди "Ёшлик"нинг доимий ҳахроқи. Бу галги сониди сиз ёш шоирлардан Беҳзод Фазлиддин, Абдуғафур Маматов, Наргиза Асадинга, шунингдек, "Биринчи учрашув" руқни остида бошловчи қаламкашларнинг Ватан, муҳаббат, меҳр-оқибат каби мавзулардаги шеърларини ўқийсиз.

Баҳром Рўзимухаммаднинг "Тасвир жололари", Зарина Раҳмонованинг "Ҳожиаларни кўрсатувчи кўзгў", Шаҳрибони Давронованинг "Бадий асарда буюқ инсон сиймоси" мақолаларида ёшлар ижоди, бадиият сир-синаотлари, замонавий ўзбек насридаги изланишлар ҳақида фикр юритилади.

"ДУНЁНИНГ ИСМИ"

Адабиёт остонасига қадам қўйган ҳар бир истеъдод эгаси ўз сўзини ва шу айтар сўзини муносиб тарзда ифодалаш учун ўз услубини топишга интилади. Шу боис, шоир Фаррух Ҳамроевнинг қуйидаги дил эътиродини табиий ва самимий истиғфор сифатида қабул қилиш мумкин:

Кўёш эмас, бир нур сўрадим,
Ёғирлардан бир гўл сўрадим.
Ўзим учун тақдир азалдан,
Ҳеч ким юрмас бир йўл сўрадим.

Яқинда Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Дунёнинг исми" номли шеърлар тўпламидан Ф.Ҳамроевнинг ўз сўзи, ўз ижодий услубини топишга интилиб битган шеърлари жамланган.

Тўпламнинг мундарижасини она-Ватан, севги-муҳаббат, меҳр-оқибат ва инсонийлик мавзусидаги шеърлар ташкил этади. Шоир ҳаётда кўрган-билганлари, қалбдан

кечирган хуш-нохуш туйғулари образли иборалар, ташбеҳлар воситасида ифодалашга эришган. Айни шу жиҳатлариға кўра, унинг дил изҳорлари ўзига хос жозиба ва таъсирчанлик касб этган. Китобдаги "Истиқлол", "Озод инсон", "Умид ранглари", "Қалбимда қадимий эртақлар ухлар...", "Самарқанд соғинчи" сингари шеърлар мисолида шоирнинг бадий имкониятлари қай даражада самара берганини кузатиш мумкин. Чунончи, "Самарқанд соғинчи" шеърида шундай оҳорли мисраларни ўқиймиз:

Тупрогини ўпсам, қучсам,
Тол тароқда тарасам.
Кўзинг очса кўнра мози,
Мен сукулани қарасам.
"Дунёнинг исми" тўламига Илхом Зойир муҳаррирлик қилган.



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИИ: "МАЪБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Иجتимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ



Тахририятга келган қўёшмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлашиши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акцијадорлик компанияси босмақонаси.
Босмақона манзили: Вуюк Турон кўчаси, 41 ўй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиди 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4863 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

